

Масъуд Мирзо таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан адабий-музиқий дўстлик кечаси ташкил этилди

Масъуд Мирзо таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан адабий-музиқий дўстлик кечаси ташкил этилди

Фарғона давлат университетининг филология факультетида таниқли ижодкор, вилоят тожик миллий маданий маркази раҳбари, Фарғона давлат университети ўқитувчisi, журналистMasъуд Мирзо таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан "Шасти саодат" номли адабий-музиқий дўстлик кечаси ташкил этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Республика тожик миллий маданият маркази раҳбари Гуландон Субҳонова, тожикистанлик ва юртимиз шоирлари, олимлари, вилоятдаги миллий маданий марказлар раҳбарлари иштирок этилдилар.

Дўстлик кечасида Masъуд Мирзонинг ижодкор сифатида ўзбек ва тожик халқларининг адабий, маънавий алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари алоҳида эътироф этилди.

Masъуд Мирзо 1962 йил 4 июнда Сўх туманида туғилган. Конибодом педагогика билим юрти, Душанбе давлат педагогика университетининг тожик филологияси факультетида таҳсил олган.

Бир муддат "Шараф" (Тожикистан), "Риштон ҳақиқати", "Садои Сўх" газеталари, Сўх телевиденияси, Фарғона вилояти телерадиокомпаниясида муҳаррир бўлиб ишлаган.

Ҳозирда вилоят телерадиокомпаниясининг тожик бўлими бош муҳаррири, Фарғона давлат университети филология факультети, тилшунослик кафедраси ўқитувчisi ҳамда вилоят тожик миллий маданий маркази раҳбари бўлиб фаолият олиб бормоқда.

Masъуд Мирзо шеърлари Ўзбекистон, Тожикистан ва Қирғизистон даврий нашрларида, мажмуналарида чоп этилган.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-06-30 17:53:30